

Раҳбар шахсининг нутқ маданияти

**Педагогика, психология ва
таълим менежменти кафедраси
катта ўқитувчиси: У.Бўтаева**

Мулоқот инсон ҳаётида энг муҳим ва энг мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Чунки ҳар бир инсон мулоқот жараёнида шахс сифатида шаклланади ва шахс сифатида ўзини намоён қилади. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, ҳар бир конкрет жараён мулоқотга киришаётган шахс олдида муайян бир вазифани қўядики, ушбу вазифа ва талаблар турли хил шароитларда мулоқотнинг турлича ташкил қилинишига сабаб бўлади. Масалан, оилада ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги мулоқот эр-хотин ўртасидаги мулоқотдан фарқ қилади. Ишхонада раҳбар билан ходимлар ўртасидаги мулоқот раҳбарларнинг ўзаро мулоқотидан фарқ қилиши табиий. Ходимлар билан бўладиган мулоқотимиз самарали бўлиши авваломбор нотиқлик санъатидан хабардор бўлишимизни талаб этади. Ҳар қандай раҳбар шахси борки у аввалом бор нотиқ, яъни аратор бўлмоғи лозим.

“Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати” ўзбек адабий тили ва умуммиллий тил имкониятларини ўрганувчи ва уларни маълум шароит ва кўзланган мақсадга мувофиқ ҳаётга тадбиқи билан шуғулланувчи курсдир. Нутқ маданиятининг маънавий-ахлоқий омил сифатида инсон комолотида тутган ўрни бекиёсдир. Нотиқлик ва воизлик санъати нутқ маданияти билан вобаста. Миллий нутқ маданияти равнақи-умуммиллий тараққиётимизнинг узвий қисмидир.

Давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи бошқарув тизимида фаолият юритаётган ҳар бир раҳбар олдида маълум талабларни қўяди. Бу талабларга риоя этмаслик муваффақиятсизликка, белгиланган мақсад йўлидаги амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабабчи бўлади.

Ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон миқёсида оладиган бўлсак, ҳозирги шароитда бошқарув тизимида ишлаётган ҳар қандай раҳбар учун, у бирон бир корхона, ташкилот, жамоа раҳбари бўладими, ёки сиёсий раҳбар бўладими, одамлар билан мулоқот маданиятини ўзлаштириши, жонли сўз воситасида кишиларга Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўғри тушунтира олиши, уларни мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, фуқаролик бурчларини чуқур англаб етишларига ёрдам бериши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги Ўзбекистон ўтиш даврини бошидан кечираётган бир паллада оғзаки тарғибот бошқарув тизими фаолиятини муҳим қисмини ташкил этиш билан бирга, ҳокимият билан халқ ўртасида доимий мулоқотнинг энг фаол шакли, халқнинг миллий мафкура байроғи остида бирлаштириш, жамиятни бошқаришдаги энг мақбул қуроли бўлмоғи лозим ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Нотиқлик ва замонавий воизлик одамлар билан жонли мулоқотга асосланган бўлиб, раҳбарга нафақат ўз ваколати ва доирасидаги ишларни

самарали ташкил этишда, балки аниқ, ёрқин ва одамларга таниш, яқин ва тушунарли факт ва мисоллар ёрдамида мустақил Ўзбекистонда кечаётган ислохотларнинг ютуқларини кўрсатиш, ҳукумат олиб бораётган сиёсатни, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини тўғри тушунтириш, халқнинг бунёдкорлик ҳисларини янада ривожлантириш, халқ қайфиятини ўрганадиган ҳолда унинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш имкониятини беради. Бунда ҳаётдаги айрим камчиликлар, қийинчиликлар хусусида очиқ-ойдин гаплашиш, уларни бартараф этиш йўлларини муҳокама этиш, ҳар бир шахс билан мулоқотга киришиш алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда турган Янги вазифа маълум даражада анчайин мураккаб ҳамдир. Зеро, бу вазифани адо этиш бошқарувда анча кенг билим ва тафаккурни талаб этади. Бугун кишининг ички ҳошиш-иродаси, шахсий қароригина бундай мажбурият ҳиссини уйғота олади. Шунинг учун бугунги раҳбар нутқ ва мулоқот маданиятини, нотиклик санъатини пухта эгаллаши муҳим аҳамият касб этади.

Раҳбар фаолияти билан боғлиқ мулоқот маданияти деганда қуйидагилар назарда тутилади:

Сўзлаш (жумладан, омма олдида) санъати.

Тинглаш қобилияти.

Сухбатдош (ҳамкор, ўзга кишилар қўл остида ишлайдиганлар)ни обектив баҳолаш ва тўғри тушуниш кўникмалари.

Ҳар қандай одам билан муносабат ўрната олиш ва ўзаро манфаатдорлик асосида унга самарали таъсир ўтказа олиш.

Раҳбар шахснинг мулоқот ўрнатиш маҳорати, ўзгаларни инонтириш қобилиятининг аҳамияти ва зарурияти мамлакатимиз ва бутун жаҳон миқёсидаги мураккаб мафкуравий жараёнлар билан ҳам белгиланади. Тараққиётнинг асосий шарти мамлакатдаги барқарорликдир. Давлат ва жамиятдаги барқарорликни сақлашнинг бош омили эса турли гуруҳ, ташкилот ва давлатлар томонидан уюштирилаётган мафкуравий ҳуружлардан одамларни асраш. Инсон онги ва қалби учун кураш кечаётган шароитда ҳар бир раҳбар зиммасига у давлат ва жамият бошқаруви тизимида ишлайдими ёки бирон-бир корхонани бошқарадими, бундан қатъий назар фуқороларимизни халқимизнинг асл манфаатларини ифодайладиган ҳаққоний миллий ғоямиз билан қуроллантириш вазифаси ҳам юклатилган.

Энг муҳим талаблардан бири эса нотиклик маҳоратини эгаллаш, жонли сўзнинг таъсир кучидан фойдалана билишдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги нутқида: “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисига ўтирганларни бугун тушуниш ҳам оқлаш ҳам қийин”¹,— дея алоҳида таъкидлаган эди.

Нотиклик санъатини яхши эгаллаган раҳбар сўз қудратидан фойдаланиб одамларни ўзига қаратишга, улар учун ҳақиқий йўлбошчига айлана олади. Бу

¹ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т., 6-Т.: Ўзбекитон, 1998 йил.331-б.

эса юқорида айтганимиздек, осон иш эмас. Буюк Рим нотиғи Цицерон шундай деган эди:”Суҳандонлик шундай сифатки, унга осонликча эришиб бўлмайди ва жуда кўп билим ва меҳнатдан туғилади”. Бу сўзлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Нотиклик назариясини билиш, одамлар психологиясини ўрганиш, нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва сўз устида жиддий ишлаш одамларга таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини жалб этиш имкониятини беради.

Шу ўринда бир ҳикматли сўзни айтиб ўтишни лозим топдим: “Раҳбарлик осон иш эмас. Ҳавас қилган билан иш бирмас”. Дарҳақиқат раҳбарлик осон иш эмас. Хадиси шарифда мамлакатни бир кун одилонга бошқарган подшонинг иши 60-70 йил ҳаж қилишдан афзалдир дейилгани ҳам бежиз эмас албатта. Раҳбарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, айтган сўзлари ҳамиша атрофдагиларнинг диққат-эътиборида бўлиб келади. Баъзан, ўз-ўзимга раҳбар қандай бўлиши керак, деган саволни берар эканман, бу саволимга улуг аждодларимизнинг пурмаъно ҳикматлари ва ибратли ҳикояларидан жавоб излайман. Назаримда, раҳбар аввало ўз ахлоқ одоби, яъни муомаласи билан бошқалардан ажралиб туриши лозим. Айниқса, бу борада тилига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Бу ҳақида XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида яшаган улкан олим ва адиб Мавлоно Али Сафийнинг қаламига мансуб “Латойиф уттавойиф” (“Латофатнома”) асарида шундай ҳикоя келтирилади:

“Луқмони ҳакимни бир киши сотиб олиб, даргоҳида хизмат қилдиарди ва ундаги илми ҳикматини гоҳи-гоҳида синаб кўрарди. Бир куни имтиҳон тарзида буюрди:

-Эй, Луқмон. Менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзисини олиб келгин.

-Бош устига, - деди Луқмон ва қўйни сўйиб, тили билан юрагини хожисига элтди.

-Анча муддат ўтгандан кейин, хожа уни яна чақириб, деди:

-Эй, Луқмон. Бир қўйни сўйгин-да, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили ва юрагини кўтариб келди.

Хожа деди:

-Бу нечук асрорки, қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил ва юракни кўтариб келдинг?

Луқмон деди:

-Эй Хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса, ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас”.

Юқорида айтиб ўтилганидек, раҳбарнинг хатти-ҳаракати унинг ходимлари учун доимо ибрат бўлиб келади. Шу сабабдан, унинг ҳар бир қилган иши бошқалар учун намуна бўлиши талаб этилади.